

Гўзал хотима



08:30 / 03.02.2019 2607

Шайх Абу Абдурахмон ибн Уқайл Зоҳирӣ араб тилидаги журналда чоп қилинган «Таборих» номли мақоласида шундай дейди: «Қирол Фаҳднинг Мусҳафи шарифни жамлаш бўйича алоқа ишлари бошқарувчиси шайх Маҳфуз Шанқитий қорилар шайхи Омир Саййид Усмон ҳақида шундай ёзади: «Ҳаётининг сўнгги етти йили давомида у зотнинг овозлари чиқмай қолган эди. Қироат дарсида шогирдларига фақат имо-ишора билан дарс берардилар. Кейин оғир бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолдилар. Бир куни шифокорлар кутилмаганда шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлишди: овозини йўқотган шайх оппоқ чойшаб устида чордана қуриб ўтирганча жозибали овозда Қуръон ўқир эди. Шайх уч кунда Фотиҳа сурасидан бошлаб, Нас сурасигача ўқиб, Қуръони каримни хатм қилди. Сўнг руҳини Роббига топширди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан